

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР БИОГЕОКИМЁСИ**Музатфар Обидов**

Фарғона давлат университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6651015>

Аннотация. Мақолада доривор ўсимликлар турли органларида биомикроэлементлар миқдори ўрганилган. Марганец (*Mn*) олаёт (*Silybum marianum L.*) гулида, нони (*Morinda citrifolia L.*), гуава (*Psidium guajava L.*) барг ва мевасида, папая (*Carica papaya L.*) баргида бошқа органларга нисбатан кўп эканлиги, шунингдек, Zn ўрганилган доривор ўсимликларнинг деярли барча органларида аккумуляцияланиши аниқланган. Вулканоген тупроқларга нисбатан ўрганилган ўтлоқи тупроқларда нони ўсимлигига *Mn*, Со 2 марта, Zn 6-7 марта кам концентрацияланганлиги ва аксинча Mo 5 марта юқорилиги исботланган.

Таянч сўз ва иборалар: доривор ўсимлик, биомикроэлемент, концентрация, ўтлоқи тупроқ, барг, поя, гул, мева, биологик сингдириши коэффициент.

БИОГЕОХИМИЯ МИКРОЭЛЕМЕНТОВ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ

Аннотация. В статье исследуется количество биомикроэлементов в различных органах лекарственных растений. Марганец (*Mn*) обнаружен в цветках расторопши (*Silybum marianum L.*), в листьях и плодах нони (*Morinda citrifolia L.*), а также в листьях папайи (*Carica papaya L.*) по сравнению с другими органами, Zn накапливаются практически во всех органах исследуемых растений. Доказано, что концентрация *Mn*, Со в 2 раза, Zn в 6-7 раз ниже и Mo в 5 раз выше в растениях нони на исследованных луговых почвах по сравнению с вулканогенными почвами.

Ключевые слова и выражения: лекарственные растения, микроэлемент, концентрация, луговая почва, листья, стебли, цветы, плоды, коэффициент биологического поглощения.

BIOGEOCHEMISTRY OF MICROELEMENTS OF MEDICINAL PLANTS

Abstract. The article examines the amount of biomicroelements in various organs of medicinal plants. Manganese (*Mn*) is found in the flowers of milk thistle (*Silybum marianum L.*), in the leaves and fruits of Noni (*Morinda citrifolia L.*), as well as in the leaves of Papaya (*Carica papaya L.*), compared with other organs, Zn accumulates in almost all organs investigated plants. It was proved that the concentration of *Mn*, Co is 2 times, Zn is 6-7 times lower and Mo is 5 times higher in Noni plants on the studied meadow soils in comparison with volcanic soils.

Keywords and expression: medicinal plants, trace element, concentration, meadow soil, leaves, stems, flowers, fruits, biological absorption coefficient.

КИРИШ

Инсоният кўп минг йиллар мобайнида турли гиёҳлардан ўз дардларига даво топиш мақсадида фойдаланиб келган. Инсонлар, айниқса доривор ўсимликлар хусусиятини яхши билган ва уларни самарали қўллай олган. Минг афсуски, бугунги кунга келиб табиий доривор ўсимликлардан деярли фойдаланмай қўйди. Маълумотларга кўра, биргина мамлакатимизда истеъмолдаги 6400 хилдаги дори воситаларининг атига 2,3 фоизи табиий дори воситалари ҳисобланади. Агар дунё давлатларига назар ташлайдиган бўлсак доривор ўсимликларни кўпайтириш ва қайта ишлашда Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ каби

давлатларда көнг ривожланган. Биргина Хитойда йилига 700000 тонна доривор ўсимлик етиширилиб, шундан 822 млн долларлик 122000 тонна хом ашё экспорти амалга оширилади ҳамда қайта ишлаб чиқариш орқали 50 млрд долларлик савдо амалга оширилади. Мамлакатимизда соҳанинг салоҳияти юқори бўлишига қарамасдан мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмай келинмоқда. 2019 йилда республикамизда 19000 тонна доривор ўсимликлар етиширилган 48 млн АҚШ доллар қийматидаги тайёр ва ярим тайёр ёки хом ашё маҳсулотлари экспорт қилинган. Бугунги кунда 93 та корхона томонидан 89 турдаги доривор ўсимликлардан дори воситалари тайёрланмоқда. Умумий истеъмолдаги табиий дори воситаларининг ҳажми атига 7 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади. Бу борада ўтказилган таҳлил натижалари доривор ўсимликларнинг табиий захираларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, плантацияларни ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган турларини кўпайтириш, тупроқ иқлим шароитларига мос янги доривор ўсимликлар турларини интродукция қилиш, бирламчи ҳамда чуқур қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар давр талабидан ортда қолаётганини кўрсатмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлиги ошириш мақсадида Президентимиз томонидан 2022 йил 20 май куни “Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарави фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етишириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан көнг фойдаланишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг тасдиқланиши бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Бу борада ҳалқ табобати ва расмий тиббиётда көнг фойдаланиладиган табиий флора ҳамда чет эл флорасига мансуб доривор ўсимликларни элемент таркибини ўрганиш, ўсимлик органларида биомикроэлементлар миқдорини аниқлаш, уларнинг дориворлик ва биогекимёвий хосса-хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Илмий манбалар ва хорижий нашрларда доривор ўсимликларнинг макро- ва микроэлементлар таркиби [1], улардан тиббиётда ва ҳалқ табобатида фойдаланиш, таркибида оғир металларни тўпланиши [2], фармацевтикада дори воситалари ҳамда озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган [3, 4].

Биогекимёвий тадқиқотларни олиб бориш, хусусан ўсимликлар билан улар ўсаётган тупроқ-иқлим шароитлари ўртасидаги корреляцион боғланишларни ўрганишда элементлар миқдори ва сифатини таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий тадқиқотлар қаторидан жой олади [5]. Ўз навбатида доривор ўсимликларни етиширишига ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини дастурлаш, ҳосил сифатини баҳолаш, доривор ўсимликлар маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, дориворлик даражасини ўрганиш имконини беради [6]. Бу эса ўтказилаётган тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Доривор ўсимликлар тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини ўрганишда асосий усул тариқасида В.В.Докучаевнинг морфогенетик, Б.Б.Полинов, М.А.Глазовская ва А.И.Перельманларнинг педогеокимёвий ёндашув усулларидан фойдаланилди. Тупроқ ва доривор ўсимликларнинг элемент таҳлили нейтрон-активацион усулда амалга оширилган [6].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда доривор ўсимликлар бутун танасидаги микроэлемент микдорини билиш аҳамиятли, балки унинг алоҳида генератив ва вегетатив органларида, жумладан, илдиз, поя, барг, ғунча, гул, мева, уруғ таркибидаги микдорларини аниқлаш ҳам улардан фойдаланиш қўламини кенгайтиради.

Айрим систематик гуруҳларга мансуб доривор ўсимликларнинг кули таркибида бир қатор элементлар микдорининг кўпайиши бевосита тупроқ таркиби билан боғлик, чунки элемент микдорининг тупроқ таркибида ортиши, ўз навбатида шу муҳитда ўсуви ўсимликлар таркибидаги элементлар микдорининг ортиб боришига ҳам сабаб бўлади. Лекин маълум систематик гуруҳлардаги ўсимликларда бу ҳолат юз бермаслиги мумкин, чунки улар ўзларининг физиологик, биокимёвий ва генетик механизmlарида ҳимоя структурасини шакллантирган ёки тупроқда кам микдорда тарқалган элементлар доривор ўсимликлар таркибида тўпланиши мумкин. Бу ўсимликнинг физиологик хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабли энг кам микдорлар учун ўсимликларда маҳсус эволюцион механизм ишлайди.

Ўсимликлар таркибида, аникроғи содир бўладиган биологик, биогеокимёвий, морфофизиологик ўзгаришлар албатта улар ўсаётган тупроқ муҳитининг хосса хусусиятларига, жумладан, микроэлементли ҳамда макроэлементли биогеокимёвий провинцияларига боғлик ҳолда ўзгариб боради. Ушбу жараёнлар доривор ўсимликларнинг турига, систематик ўрнига ва ценопопуляциясига бевосита боғлиқ бўлади. Доривор ўсимликлар органларида микроэлементларнинг микдори, биогеокимёвий хусусиятларини қуидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкини, ўрганилган доривор ўсимликларда марганец (Mn) микроэлементи олаёт (*Silybum marianum L.*) ўсимлигининг гулида, нони (*Morinda citrifolia L.*) ўсимлигининг барг ва мевасида ҳамда папая (*Carica papaya L.*) ўсимлигининг баргига бошқа органларга нисбатан кўп эканлигини кўриш мумкин. Zn элементи ҳам ўрганилган ўсимликларнинг деярли барча органларида кўп микдорларда эканлиги кузатилди.

Ушбу ҳолатни тадқиқот олиб борилган доривор ўсимликлардаги молибден (Mo), кобальт (Co) микроэлементларининг микдорларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, нони ва гуаванинг мевасида, папаянинг баргига молибден микдори бошқа органларга нисбатан аккумуляцияланиши аниқланди. Кобальт микроэлементининг микдори ўрганилган доривор ўсимликлар ичida энг кўп микдор олаёт ўсимлигининг пояси, барги ва гулида тўпланиши қайд қилинди.

МУХОКАМА

1-жадвал.

Доривор ўсимликлар органларида биомикроэлементлар микдори (n=7)

| Ўсимлик | Ўсимлик органи | Микроэлемент (мг/кг) | | | | Биологик сингдириш коэффициенти | | | |
|---------------------------------------|----------------|----------------------|------|-------|------|---------------------------------|-----|-------|------|
| | | Mn | Mo | Co | Zn | Mn | Mo | Co | Zn |
| Олаўт (<i>Silybum marianum L.</i>) | Поя | 55 | 2,4 | 1,35 | 41 | 0,093 | 1,5 | 0,130 | 0,41 |
| | Барг | 42 | 2,9 | 1,59 | 28 | 0,071 | 1,8 | 0,153 | 0,28 |
| | Гул | 59,4 | 3,1 | 1,92 | 37 | 0,101 | 1,9 | 0,185 | 0,37 |
| Нони (<i>Morinda citrifolia L.</i>) | Барг | 45,2 | 2,6 | 0,48 | 25 | 0,077 | 1,6 | 0,046 | 0,25 |
| | Мева | 42,1 | 3,1 | 0,34 | 19 | 0,071 | 1,9 | 0,033 | 0,19 |
| Гуава (<i>Psidium guajava L.</i>) | Барг | 25,1 | 1,4 | 0,20 | 12 | 0,043 | 0,9 | 0,019 | 0,12 |
| | Мева | 27,8 | 2,1 | 0,35 | 18,4 | 0,047 | 1,3 | 0,034 | 0,19 |
| Папая (<i>Carica papaya L.</i>) | Барг | 29 | 4,1 | 0,23 | 24 | 0,049 | 2,6 | 0,022 | 0,24 |
| | Мева | 4,6 | 0,38 | 0,029 | 6,3 | 0,008 | 0,2 | 0,003 | 0,06 |

Ушбу микроэлементларнинг биологик сингдириш коэффициентларига кўра, Мойўича гуава (*Psidium guajava L.*) нинг барги ва папая (*Carica papaya L.*) нинг мевасидан ташқари бошқа ҳолатларда ҳамда олаўт, нони ўсимликлари органлари биологик сингдириш қаторига кўра кучли тўпланаётган гурӯхга киради. Бошқа микроэлементларнинг биологик сингдириш коэффициентлари (A_x) бирдан кичик ($A_x < 1$), яъни улар таснифга кўра ўрганилган доривор ўсимликлар органларида кучсиз ва жуда кучсиз биологик ушланиб қолувчи гурӯхга киради. Ражуркар ва Дамаме [7] томонидан юрак-қон томир касалликларини даволашда ишлатиладиган баъзи доривор ўсимликларнинг элемент таркиби нейтрон активацион анализ методи ёрдамида ўрганилган. Жумладан, тропик минтақаларда ўстириладиган доривор папая ўсимлигининг барглари тадқиқотчилар томонидан таҳлил этилганда Со-1,698, Mn-20,99, Zn-7695.4 мг/кг миқдорда борлиги аниқланган. Папая Zn мойўича гипераккумулятор доривор ўсимликлар қаторидан жой олади. Тадқиқот олиб борилган сугориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида индтодукция қилинган ушбу ўсимлик барглари таркибини биз томонимиздан ўрганилган маълумотларга кўра ўртacha Со-0,23, Mn-29, Zn-24 мг/кг миқдорларда учраши аниқланди. Таҳлил натижаларидан шуни кўриш мумкинки, бизнинг шароитмизга интродукция қилинган папая ўсимлиги Со ва Zn элементларини камлиги, аксинча Mn элементини сингдириш коэффициенти эса юқорилигини кўриш мумкин. Бу унинг тупроқдаги миқдорларига боғлиқ ҳолда ўзгариши билан изоҳланади ҳамда Zn нинг гипераккумуляторлик хусусияти яққол намоён бўлмайди.

Замонавий тиббиётда юрак-қон томир тизими, гепатит, астма, йўтал, бронхоспазм, томоқ оғриғи, ич қотиши [8] ҳамда ошқозон-ичак, тери ва ўсма касалликларини даволашда ишлатиладиган олаўт ўсимлигининг таркиби текширилганда ўртacha Со-19,2 мг/кг, Mn-23,2 мг/кг, Zn-34,3 мг/кг миқдорда учраши аниқланган [9]. Тадқиқот олиб борилган гидроморф тупроқлар ҳудудида ўстирилган олаўт ўсимлигининг поя, барг, гул таркиби ўрганилганда, ушбу турнинг ер устки қисмида ўртacha Mn-52,1 мг/кг, Со-1,62 мг/кг, Zn-35,3 мг/кг борлиги аниқланди. Таҳлил натижалари таққосланганда олаўт ўсимлигига Со миқдори 10 маротабагача кам аккумуляциянишини, Zn ўзаро яқинлиги ҳамда Mn 2 баробардан ортиқ ўзлаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Ўрганилган элементлар концентрациясининг ушбу турда кузатилган ўзгариши ўсимлик ўсаётган тупроқ хоссалари ва муҳит омилларига боғлиқ ҳолда кечади.

Нони (*Morinda citrifolia L.*) нинг мевалари ва барглари анъанавий равишида икки минг йилдан бери Тинч океанининг жанубий қисмida яшовчи аҳоли томонидан озиқовқат сифатида ва доривор мақсадларда ишлатилиб келинмоқда. Сўнги йилларда нони мевасидан олинадиган шарбат инсон соғлиғи учун фойдали ичимлик сифатида дунёга машхур бўлди. С.Басар, Ж.Вестендорфлар томонида ушбу доривор ўсимликнинг барг, мева ва мева шарбатларининг минерал таркиби ва оғир металлар концентрацияси тупроқ хосса-хусусиятларига боғлиқ равишида Франциянинг Полинезия ороллари худудида ўрганиб чиқилган [10].

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг таҳлил натижаларини, Жанубий Фарғонанинг суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида етиштирилган нони ўсимлигининг барги ва меваси таркибидаги элементлар миқдори билан таққосланди. Франциянинг Полинезия оролларидан олинган нони баргларининг таркибида Mn, Co элементлари 2 марта, Zn элементи эса қарийб 6-7 марта кам миқдорда концентрацияланган, аксинча Mo 5 марта ошганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолатни нони меваларидаги таҳлил натижаларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, жанубий Фарғона суғориладиган ўтлоқи тупроқларида мева таркибидаги Zn нинг концентрацияси деярли бир хил (фарқи 1,7 мг/кг), Mn 2 матра юқори, Mo миқдори сезиларли даражада 17-18 марта кўп аккумуляцияланган, Co миқдори эса 2 маротаба кам эканлиги кузатилди.

Ушбу таққослаш шуни кўрсатадики, ўсимликнинг кимёвий таркиби, уларда содир бўладиган биологик, физиологик жараёнларга ҳамда ўсаётган муҳитнинг хусусиятларига, тупроқ типига, геокимёвий баръерлар ва биогеокимёвий провинцияларга боғлиқлиги ҳақидаги тадқиқотларни тўғри эканлигини яна бир бор исботлайди.

Ўрганилган доривор гуава (*Psidium guajava L.*) ўсимлигининг барг ва меваси таркибидаги элементлар миқдорини, АҚШ нинг Самоасида жойлашган Маноа оролида гуаванинг турли органларида ва меваси таркибидаги элементлар миқдори ҳамда тупроқ-ўсимлик муносабатларини ўрганишга [11] бағишлиланган тадқиқот натижаларига қиёслангандা, бизни шароитимизда етиштирилган ўсимлик барглари таркибида Mn, Zn 2-3 марта камлиги, аксинча меваси таркибидаги ушбу элементлар миқдори юқори эканлигини кўриш мумкин [12].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Узоқ эволюция жараёнида доривор ўсимликлар ўзларининг систематик ўрни, биологик хусусиятларига ҳамда тупроқ-иклим шароитларига мос равишида маълум бир моддаларни синтез қилиш ва бир ёки бир нечта элементларни сингдириш қобилиятини олганлигидан далолат беради.

Доривор ўсимликларнинг маълум бир турини турли тупроқ-иклим шароитида ҳосил бўлган тупроқ типларида етиштирилганда ушбу ўсимлик органларидаги биомикроэлементлар миқдорларида умумий қонуният мавжудлиги аниқланди.

Ўсимликлар ўз органларида аниқ бир элемент ёки элементларни турли нисбатларда сингдиришига ушбу ўсимликнинг ўсиш муҳитидаги абиотик, антропоген омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Ўрганилган доривор ўсимликлар таркибидаги биомикроэлементлар миқдори қиёсий-географик корреляцияси ижобий бўлиб, r 0,35-0,90 оралиғида тебранади.

Ўсимликларнинг элемент таркиби билан улар ўсаётган тупроқларнинг элемент таркиби ўртасидаги корреляцион боғланишларни ўрганиш халқ табобатида,

фитобарларда, замонавий тиббиётда ва фармацевтика саноатида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланиш янада муҳим тадқиқотлар қаторидан жой олади.

Адабиётлар

1. Zahir E., Naqvi I. and Uddin S. (2009) Market Basket Survey of Selected metals in fruits from Karachi City (Pakistan). Journal of Basic and Applied Sciences, Vol. 5, No. 2, pp. 47-52.
2. Rajeev Bhat, Kiran K., Arun A.B., Karim A.A. (2010) Determination of mineral composition and heavy metal content of some nutraceutically valued plant products. Food Analytical Methods, 3 (3), 181-187.
3. Shamsa F., Zadeh S.R., Shamsa H., Abdi K. (2009) A quantitative investigation on some toxic and non-toxic metals in popular medicinal herbs in Iranian market Iran J Pharm Res Pp: 95-99.
4. International Programme on Chemical Safety (2009) JECFA glossary of terms. <http://www.who.int/ipcs/food/jecfa/glossary.pdf>.
5. Исағалиев М., Махмудов В., Обидов М. Фаргона водийси тош-шагалли оч тусли бўз тупроқлари шароитида *Capparis spinosa* L. нинг ценопопуляцияси ва биогеокимёвий хусусиятлари // НамДУ илмий ахборотномаси, Наманган. 2020. №-3. 185-192 б.
6. Yuldashev G‘., Isag‘aliyev M. Tuproq biogeokimyosi. T. 2014, 252 b.
7. Rajurkar N.S., Damame M.M. (1997) Elemental analysis of some herbal plants used in the treatment of cardiovascular diseases by NAA and AAS. J Radioanal Nucl Ch 219:77-80.
8. Zafar M., Khan M.A. et al. (2010) Elemental analysis of some medicinal plants used in traditional medicine by atomic absorption spectrophotometer (AAS). Journal of Medicinal Plants Research Vol. 4(19), pp. 1987-1990.
9. Нигматуллаев Б.А. *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг, фитоценологияси ва морфобиологияси. Био.фан. бўйича фал.док. илмий даражасини олиш учун ёзган дис. автореф. Т., 2019. 46 б.
10. Basar S., Westendorf J. (2012) Mineral and Trace Element Concentrations in *Morinda citrifolia* L. (Noni) Leaf, Fruit and Fruit Juice. Food and Nutrition Sciences, 3, 1176-1188.
11. Adrian J.A.L., Norman Q. et al. (2010) Mineral Composition and Soil-Plant Relationships for Common Guava (*Psidium guajava* L.) and Yellow Strawberry Guava (*Psidium cattleianum* var. *lucidum*) Tree Parts and Fruits. Communications in Soil Science and Plant Analysis, 46:1960-1979, 2015.
12. Obidov M.V., Isagaliev M.T., Turdaliev A.T., Abdukhakimova Kh.A. Biogeochemistry Properties of Calcisols and *Capparis Spinosa* L. //Annals of the Romanian Society for Cell Biology (Scopus), 2021: Volume 25: Issue 1. Pp. 3227-3235.